

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSC.05/30.12.2019. Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**ТОҒАЕВ СУХРОБЖОН МИРАХМАТОВИЧ**

**ГЕН-НОКАУТ УСУЛИДА ЯРАТИЛГАН ПОРЛОҚ–1 ҒЎЗА  
НАВИНИ ПАРВАРИШЛАШ АГРОТЕХНИКАСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ  
(Тошкент вилоятининг суғориладиган типик бўз ва Сирдарё вилоятининг  
оч тусли бўз тупроқлари шароитида)**

**06.01.01–Умумий дехқончилик. Пахтачилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

УЎТ: 633.51:631.527:631.5.

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертация автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по сельскохозяйственным наукам**

**Content of the abstract of (PhD) doctoral dissertation on  
agricultural sciences**

**Тоғаев Сухробжон Мирахматович**

Ген-нокаут усулида яратилган Порлок-1 ғўза навини парваришлаш агротехникасини ишлаб чиқиш (Тошкент вилоятининг суғориладиган типик бўз ва Сирдарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида).....3

**Тағаев Сухробжон Мирахматович**

Разработать агротехнику возделывания сорта хлопчатника Порлок-1 созданного методом ген-нокаут (в условиях орошаемых типичных сероземных почв Ташкентской области и светлых сероземных почв Сырдарьинской области).....21

**Tog'aeв Suhrobjon Mirahmatovich**

Production agrotechnology of cotton varieties which created by gen-knock-outmethod in the soil-climatic conditions of central zone of Uzbekistan .....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....42

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc. 05/30.12.2019.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**ТОҒАЕВ СУХРОБЖОН МИРАХМАТОВИЧ**

**ГЕН-НОКАУТ УСУЛИДА ЯРАТИЛГАН ПОРЛОҚ-1 ҒЎЗА  
НАВИНИ ПАРВАРИШЛАШ АГРОТЕХНИКАСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**  
(Тошкент вилоятининг суғориладиган типик бўз ва Сирдарё вилоятининг оч  
тусли бўз тупроқлари шароитида)

**06.01.01–Умумий дехқончилик. Пахтачилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида  
В 2020.2.PhD/Qx196 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш  
агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти (ПСУЕАИТИ) да бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз  
резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.psuyaiti.uz](http://www.psuyaiti.uz)) ва "Ziyounet" ахборот таълим  
порталида ([www.ziyounet/uz](http://www.ziyounet/uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Намозов Фазлиддин Бахромович,**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим.

**Расмий оппонентлар:** **Сайдулла Максудович Болтаев,**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим.

**Одилжон Олимжонович Ибрагимов,**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори., профессор.


**Етакчи ташкилот:** **Гулистон давлат университети**


Фалсафа доктори (PhD) диссертация химояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш  
агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc. 05/30.12.2019.Qx.42.01 рақамли  
Илмий кенгашининг 28 «0» 10 2020 йил соат 13 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 111202,  
Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й., ЎзПТИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.:(+99878)  
150-62-84; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: [paxtauz@mail.ru](mailto:paxtauz@mail.ru)


Фалсафа доктори (PhD) диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш  
агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин  
(№ 98 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани,  
Ботаника М.Ф.Й., ЎзПТИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел. :(+99878) 150-62-84; факс: (+99871) 150-61-37.

Диссертация автореферати 2020 йил « 14 » 10 куни тарқатилди.  
(2020 йил «14» 10 даги 1 рақамли ресстр баённомаси).



**Ш.Н.Нурматов,**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
к.х.ф.д., профессор.

**Ф.М.Хасанова,**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, к.х.ф.н., профессор.

**Ж.Х.Ахмедов,**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.,  
профессор.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунё тўқимачилик саноатида олдинги йилларга нисбатан ген-нокаут усулида яратилган ғўза навлари пахта толасидан кўпроқ фойдаланилмоқда. Бу эса ғўза етиштиришда иқтисодий жиҳатдан янада муҳим эканлигини кўрсатади. Ғўза ўсимлиги дунё бўйича 80 дан ортиқ мамлакатда, 32 миллион гектардан ортиқ майдонда етиштирилиб, йилига 25 миллион тоннадан ортиқ тола ҳосили етиштирилмоқда. Пахта толаси етиштириш бўйича етакчи давлатлар (2017–2018 йиллар) Ҳиндистон–6205, Хитой–5987, АҚШ–4555, Бразилия–1895, Покистон–1785, Австралия–1045, Туркия–871, Ўзбекистон–838, Туркменистон–296, Брукина Фасо–158 минг тоннани ташкил этмоқда. Жаҳонда пахта толасини экспорт қилиш бўйича АҚШ–3375, Ҳиндистон–980, Бразилия–914, Австралия–849, Ўзбекистон–283, Мали–239, Брукина Фасо–229, Бенин–163, Туркменистон–152 минг тоннани ташкил этиб, Ўзбекистон бешинчи ўринни эгаллаб келмоқда. Пахта толасини импорт қилиш бўйича етакчи давлатларга Бангладеш–1655, Вьетнам–1502, Хитой–1246, Туркия–876, Индонезия–762, Покистон–718, Ҳиндистон–370, Таиланд–250, Мексика–201, Жанубий Корея–197 минг тоннани ташкил этмоқда<sup>1</sup>

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида ген-нокаут усулида яратилган ғўза навлари кенг майдонларда етиштирилиб, ўсимликнинг сувга, озикага бўлган талаби ва турли кўчат қалинликларига боғлиқ ҳолда ғўза ҳосилдорлигини оширишга қаратилган агротехник тадбирлар амалга оширилмоқда. Шунинг билан бир қаторда мамлакатимизнинг турли тупроқ-иқлим шароитларида ген-нокаут усулида яратилган Порлоқ ғўза навлари кенг майдонларда экилиб, пахта ҳосили етиштирилмоқда, эндиликда ғўзадан юқори ва сифатли ҳосил олиш учун ушбу ғўза навларига мос агротехнологиясини ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Республикамызда жумладан, Марказий Осиёда ягона бўлган Геномика ва биоинформатика маркази ташкил этилиб, ген-нокаут усулида Порлоқ ғўза навлари яратилди ҳамда ушбу навлар республикамызнинг турли ҳудудларида парваришланмоқда. Яратилган ушбу ғўза навларини ўлкамызнинг турли тупроқ-иқлим шароитларида юқори ва сифатли пахта ҳосилини таъминловчи агротехнологиясини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонининг 3.3 бандида «қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ҳажмини изчиллик билан ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада оширишга қаратилган»<sup>2</sup> муҳим вазифалар белгилаб берилган.

<sup>1</sup><http://www.ers.usda.gov/publications/cws-cotton-and-wool-outlook/cws-13e.aspx#UjhSRRzCBmg>.

<http://www.citiindia.com/wp-content/uploads/2018/02/Cotton-Data/pdf>

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги 2017 йил 7-феврал ПФ-4947-сон фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17-июндаги (ПФ-5742 сонли) “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22-декабрдаги “2019 йилда ғўзани навлари бўйича жойлаштириш ва пахта хомашёси етиштиришнинг прогноз хажмлари тўғрисидаги” ги қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси:** Республикаимизнинг турли тупроқ-иқлим шароитларида ғўзанинг турли агротехник омилларига боғлиқ ҳолда ўсиши, ривожланиши ҳамда ҳосилдорлигига таъсири бўйича С.Рыжов, Н.Беспалов, Қ.Мирзажонов, А.Авлиёқулов, Г.Безбородов, Б.Мамбетназаров, Р.Назаров, Н.Ўразматов, Ш.Нурматов, Ш.Тешаев, Б.Халиков, Ф.Тешаев, Н.Ибрагимов, Б.Ниязалиев, А.Шамсиев, М.Авлиякулов, Ф.Хасанова, М.Хасанов, Н.Дурдиев, хорижлик олимлардан Centin O, Dagdelen N, Saloto S, Hunsaker D, Panayita T, Datar Williams ва бошқалар томонидан кенг қамровли илмий-тадқиқотлар олиб борилган. Лекин Тошкент вилоятининг суғориладиган типик, Сирдарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида, ген-нокаут усулида яратилган Порлоқ-1 ғўза навидан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда унинг мақбул суғориш тартиблари, маъдан ўғитлар меъёри ва кўчат қалинлигини аниқлаш бўйича илмий тадқиқот ишлари етарлича олиб борилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти ҚХА-7-007 “Мутассил ғўза ва навбатлаб экиш далаларида тупроқнинг унумдорлигини ўрганиш ҳамда пахта мажмуидаги зироатларни навбатлаб экиш тизимларини такомиллаштириш” (2012-2014 йй.) ҚХА-7-042-2015 “Мутассил ғўза ва ғўза мажмуидаги экинларни қисқа навбатли алмашлаб экишнинг тупроқ унумдорлиги ҳамда ғўза ҳосилдорлигига таъсири” мавзусидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган (2015-2017 йй.)

**Тадқиқотнинг мақсади** Тошкент вилоятининг суғориладиган типик ҳамда Сирдарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида Порлоқ-1 ғўза навидан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда мақбул суғориш тартиблари, маъдан ўғитлар меъёри ва кўчат қалинлигини илмий асосда ишлаб чиқиш ҳамда пахтачилик билан шуғулланувчи кластер, фермер хўжаликлариغا агротавсиялар беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

хар хил кўчат қалинлиги, сув-озика меъёрларини тупроқнинг агрофизикавий ва агрохимёвий хусусиятларига таъсирини ўрганиш;

турли кўчат қалинлиги, суғориш ва озиклантириш тартиби ва меъёрларининг ғўзани ўсиши ва ривожланиши, қуруқ масса ва ҳосил тўплашига таъсирини аниқлаш;

турли кўчат қалинлиги, суғориш тартиблари ҳамда озиклантириш меъёрларининг бир кўсакдаги пахта вазни ва пахта ҳосилига таъсирини ўрганиш;

ҳар хил кўчат қалинлиги, озиклантириш меъёрлари ва суғориш тартибларининг бир центнер ҳосил етиштириш учун кетган сув сарфига таъсирини аниқлаш;

турли хил кўчат қалинлиги, мақбул суғориш тартиблари ва озиклантириш меъёрларининг иқтисодий самарадорлигини ўрганиш;

ҳар хил кўчат қалинлиги, суғориш тартиблари ва озиклантириш меъёрларининг пахта толаси сифат кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Тошкент вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроғи, Сирдарё вилоятининг оч тусли бўз тупроғи, Порлоқ–1, С-6524, Ан–Боёвут–2 ғўза навлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** ғўза навларининг суғориш тартиблари, маъдан ўғитлар (НРК) меъёрлари, турли кўчат қалинлиги, ўсиши ривожланиши, ҳосил тўплаши, ҳосилдорлиги, куруқ масса тўплаши, 1 дона кўсакдаги пахта вазни, толанинг технологик сифат кўрсаткичлари ва 1 центнер пахта ҳосилини етиштириш учун сарфланган сув сарфини ўрганиш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг услублари.** Тадқиқотни ўтказишда барча кузатув, ўлчов ва таҳлиллар «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари», тупроқ таркибидаги озика моддалар миқдорларини аниқлашда «Методика агрохимических анализов почв и растений», агрофизикавий таҳлиллар «Методика агрофизических исследований» услубий қўлланмаларидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилган. Тажрибалардан олинган маълумотларнинг математик таҳлили Б.А.Доспеховнинг «Дала тажрибаси услуби» қўлланмасида баён қилинган дисперсион таҳлил услуби асосида амалга оширилган.

#### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

илк бор Тошкент вилоятининг суғориладиган типик ва Сирдарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида янги ген-нокаут усулида яратилган “Порлоқ–1” ғўза навидан юқори ҳамда сифатли ҳосил етиштиришда мақбул суғориш тартиблари, маъдан ўғитлар меъёрлари ва кўчат қалинлиги ишлаб чиқилган;

ўрганилган ғўза навини мақбул суғориш олди тупроқ намлиги, суғориш сони, тизими, давомийлиги ва мавсумий суғориш меъёрлари аниқланган;

Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида ген-нокаут усулида яратилган “Порлоқ–1” ғўза навини 80-90 минг туп/га кўчат қалинлигида,  $N_{220}$ ,  $P_{154}$ ,  $K_{110}$  кг/га маъдан ўғитлар меъёрида ва тупроқнинг чекланган дала нам сиғими (ЧДНС) га нисбатан 70-70-65% намликда суғориб парваришланганда ғўзанинг ўсиши, ривожланиши, ҳосил тўплаши, бир дона кўсакдаги пахта вазни ва толанинг технологик сифат кўрсаткичларига ҳамда ҳосилдорлигига ижобий таъсир этиши аниқланган;

Сирдарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида ген-нокаут усулида яратилган “Порлоқ-1” ғўза навини 100-110 минг туп/га кўчат қалинлигида,  $N_{260}$ ,  $P_{182}$ ,  $K_{130}$  кг/га маъдан ўғитлар меъёрида ва тупроқнинг чекланган дала нам сиғими (ЧДНС) га нисбатан 70-70-65% намликда суғориб парваришланганда ғўзанинг ўсиши, ривожланиши, ҳосил тўплаши, бир дона

кўсақдаги пахта вазни ва толанинг технологик сифат кўрсаткичларига ҳамда ҳосилдорлигига ижобий таъсир этиши аниқланган;

суғориш тартиблари, кўчат қалинлиги ва озиклантириш меъёрларининг Порлоқ–1 ғўза навида бир центнер ҳосил етиштириш учун кетган сув сарфига таъсири ҳамда иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари:** тадқиқот натижаларидан олинган уч йиллик маълумотларга кўра, Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида Порлоқ–1 ғўза навидан пахта ҳосили бўйича энг юқори кўрсаткич маъдан ўғитлар меъёри  $N_{220}$ ,  $P_{154}$ ,  $K_{110}$  кг/га, кўчат қалинлиги 80–90 минг туп/га, тупроқнинг чекланган дала нам сифими (ЧДНС) га нисбатана 70–70–65% намликда, 1–4–1 тизим бўйича, 6 марта суғорилганда, мавсумий суғориш меъёри ўртача 5467 м<sup>3</sup>/га ни, 1 центнер пахта ҳосилини етиштириш учун сарфланган сув миқдори 110,7 м<sup>3</sup>/ц ни ташкил этганда олиниб, ўртача уч йилда 49,4 ц/га ни ташкил этиб, суғориш олди тупроқ намлиги (ЧДНС) га нисбатан 65–65–60 % намликда суғорилганга нисбатан бир центнер пахта ҳосилини етиштириш учун сув сарфи 6,3 м<sup>3</sup>/ц иқтисод қилинган. Сирдарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида Порлоқ–1 ғўза навида, маъдан ўғитлар меъёри  $N_{260}$ ,  $P_{182}$ ,  $K_{130}$ , кг/га, кўчат қалинлиги 100–110 минг туп/га, тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-65% намликда, 0–2–0 тизимда суғорилганда, мавсумий суғориш меъёри 1869 м<sup>3</sup>/га, 1 ц пахта ҳосилини етиштириш учун 40,0 м<sup>3</sup> сув сарфланганда пахта ҳосили 46,2 ц/га ни ташкил этган, бунда назоратга нисбатан 4,9 ц/га кўшимча ҳосил етиштирилган;

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги:** Порлоқ–1 ғўза навининг мақбул кўчат қалинлиги, сув-озика меъёрларига боғлиқ ҳолда ҳосилдорликнинг ортиши, толасининг сифат кўрсаткичлари ўзгаришини аниқлаш ишончли даражада бўлганлиги, турли агротадбирлар таъсирида ғўзани ўсиши-ривожланиши, ҳосилдорлик маълумотларининг ишончилиги математик таҳлиллар билан тасдиқланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тажрибалар маълумотлари билан таққосланганлиги, кузатилган қонуниятлар ва олинган хулосаларнинг мослиги, натижаларни ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги, тадқиқот натижаларининг Республика ва Халқаро илмий-амалий конференциялар маърузаларда муҳокама қилинганлиги, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган нашрларда мақолалар чоп этилганлиги натижаларнинг ишончилигини асослайди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, Тошкент вилоятининг қадимдан суғориладиган типик ҳамда Сирдарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқларининг агрокимёвий ва агрофизикавий хоссаларининг ўзгариши, турли сув-озика меъёрлари ва кўчат қалинлиги, ғўзанинг ўсиши, ривожланиши, ҳосил тўплаши, ҳосилдорлиги, қуруқ масса тўплаши, 1 дона кўсақдаги пахта вазни, толанинг технологик сифат кўрсаткичларига таъсири ҳамда 1 центнер пахта ҳосилини етиштириш учун сарфланган сув сарфига таъсири илмий асосда ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти, Тошкент вилоятининг суғориладиган



типик бўз, Сирдарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида ўрта толали “Порлоқ–1” ғўза навини мақбул суғориш тартиблари, кўчат қалинлиги ва озиклантириш меъёрлари ишлаб чиқилиб, фермер хўжаликларида ҳамда кластерларда жорий этилиши ҳисобига ушбу ғўза навидан юқори ва сифатли пахта ҳосили олишга эришилиши билан изоҳланади.

#### **Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Тошкент вилоятининг типик бўз ҳамда Сирдарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида Порлоқ–1 ғўза навидан юқори ва сифатли ҳосил олиш учун мақбул суғориш тартиблари, кўчат қалинлиги ҳамда маъдан ўғит меъёрларини ишлаб чиқиши бўйича олиб борилган тажриба натижалари асосида:

Тошкент вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида Порлоқ–1 ғўза навини мақбул кўчат қалинлиги ҳамда сув-озика меъёрлари бўйича фермер хўжаликлари учун “Тошкент вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида Порлоқ–1 ғўза навини мақбул кўчат қалинлиги ҳамда сув-озика меъёрларини ишлаб чиқиш” мавзусида тавсиянома тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 й. 25 ноябрдаги № 02/020-3866–сонли маълумотномаси). Ушбу тавсиянома Тошкент вилоятининг қишлоқ хўжалиги бошқармалари, кластер ҳамда фермер хўжаликларида қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

Тошкент вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида, Порлоқ-1 ғўза навида суғориш агротехникасини қўллашда ЧДНСга нисбатан 70–70–65 % намликда суғорилганда, маъдан ўғитлар меъёри  $N_{220}$ ,  $P_{154}$ ,  $K_{110}$  кг/га, кўчат қалинлигини 80–90 минг туп/га қолдириб парваришлаш бўйича, агротадбирлар жами 357 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 й. 25 ноябрдаги № 02/020-3866 сон маълумотномаси). Натижада ҳар бир гектар майдондан ўртача 38,7 ц/га пахта ҳосили олиниб, ишлаб чиқариш шароитига нисбатан 4,2 ц/га қўшимча ҳосил олиниб, рентабеллик даражаси 10–15 фоизга ортган;

Сирдарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида кўчат қалинлигини 100–110 минг туп/га, суғориш тартибларини ЧДНСга нисбатан 70–70–65% намликда суғориш, маъдан ўғитлардан  $N_{260}$ ,  $P_{182}$ ,  $K_{130}$  кг/га меъёрларда қўллаш Гулистон туманида 158 га, Сирдарё туманида 124 га ҳамда ПСУЕАИТИнинг Сирдарё ИТС даласида 4 га, жами 286 гектар майдонда жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 й. 25 ноябрдаги № 02/020-3866–сонли маълумотномаси). Натижада ўсимликнинг бўйи, ҳосил шохи, ҳосил элементлари, кўсақлар сони ҳамда бир кўсақдаги пахта вазнининг ортиши ҳисобига юқори ҳосил етиштирилиб, ишлаб чиқариш шароитига нисбатан 3,6 ц/га қўшимча ҳосил олишга эришилган ҳамда рентабеллик даражаси 10–12 фоизга ортган.

**Тадқиқот натижаларини апробацияси.** Дала тажрибалари тадқиқот ўтказилган йилларда Қишлоқ хўжалиги ва озик–овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази ҳамда Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти мутахассисларидан иборат махсус апробация комиссияси аъзолари томонидан ижобий баҳоланиб, йиллик

ҳисоботлар ПСУЕАИТИнинг услубий ва илмий кенгашларида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 8 та илмий мақола ва 1 та тавсиянома нашр этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси эътироф этган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 6 таси Республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ҳамда предметлари тавсифланган. Республика фан технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияда ижобий баҳоланганлиги, нашр қилинган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар баён қилинган.

Диссертациянинг **“Вўза навларини суғориш тартиблари, маъдан ўғитлар меъёри ҳамда кўчат қалинлигининг пахта ҳосилдорлигини оширишдаги аҳамияти бўйича адабиётлар шарҳи”** деб номланган биринчи бобида, мавзу бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари, маҳаллий ва хорижий адабиётларда ўрганилган омиллар бўйича чоп этилган маълумотлар батафсил таҳлил қилинган. Шунингдек, тадқиқот мақсадидан келиб чиқиб, ғўзадан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш, суғориш тартиблари, кўчат қалинлиги ҳамда маъдан ўғитлар меъёрларининг таъсири борасида маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан амалга оширилган илмий тадқиқотлар натижалари келтирилган. Бундан ташқари адабиётлар таҳлиliga асосланиб, Порлоқ–1 ғўза навини мақбул агротехникасини ишлаб чиқишда, Республиканинг марказий минтақаси турли–тупроқ иқлим шароитлари бири-бирига таққосланиб, хулосалар қилинган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот ўтказиш шароитлари ва услублари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар ўтказилган жойнинг географик ўрни, тупроқ-иқлим шароитлари, тадқиқот ўтказиш услублари ҳамда агротехник тадбирлар баён этилган.

Тошкент вилоятининг эскидан суғориладиган типик бўз тупроқлари автоморф турига мансуб, сизот сувлари 18–20 м чуқурликда жойлашган, Сирдарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари гидроморф тупроқлар турига мансуб, сизот сувлари 1,5–2 м чуқурликда жойлашганлиги кўрсатиб ўтилган.

Дала тажрибалари 2014–2016 йилларда ПСУЕАИТИ нинг марказий тажриба далаларида ҳамда ПСУЕАИТИ нинг Сирдарё ИТС далаларида

ўтказилган.

Барча кузатув, ўлчов ва таҳлиллар «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари», тупроқ таркибидаги озика моддалар миқдорини аниқлашда «Методика агрохимических анализов почв и растений», агрофизикавий таҳлиллар «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в полевых хлопковых районах» услубий қўлланмаларидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилган. Тажрибалардан олинган маълумотлар Б.А.Доспеховнинг «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» услубий қўлланмаси асосида математик таҳлил қилинган.

Тажриба даласида 0–30 см ва 30–50 см чуқурликларидан тупроқ намуналари олиниб, агрохимёвий таҳлиллар олиб борилган, гумус И.В.Тюрин, азот ва фосфорнинг умумий миқдорлари Л.П.Гриценко, И.М.Малцева, нитратли азот миқдори Грандваль-Ляжу усулида, ҳаракатчан фосфор В.Мачигин ва алмашинувчи калий миқдори П.В.Протасов усулларида аниқланганлиги кўрсатиб ўтилган. Тупроқнинг ҳажм массаси Н.А.Качинскийнинг цилиндр усулида, умумий ғоваклиги ҳисоблаш орқали аниқланган.


Тажриба тизимларига асосан, Порлоқ–1 ғўза навининг мақбул агротехникасини ишлаб чиқишда 2 хил суғориш олди тупроқ намлигида ЧДНС га нисбатан 65–65–60%, 70–70–65% намликда суғорилган, кўчат сони уч хил 80–90; 100–110; 120–130 минг туп/га ҳамда уч хил ўғит меъёрларида  $N_{180}$ ,  $P_{126}$ ,  $K_{90}$ ;  $N_{220}$ ,  $P_{154}$ ,  $K_{110}$ ;  $N_{260}$ ,  $P_{182}$ ,  $K_{130}$  кг/га қўлланилганда ғўзанинг ўсиб-ривожланиши, ҳосилдорлигига, тупроқнинг агрофизикавий ва агрохимёвий хусусиятларига таъсири (2014–2016 йй.) ўрганилган.

Тадқиқот ишларини олиб боришда, ғўзанинг ўсиб-ривожланишини кузатиб боришда «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» услубномаси асосида ҳисобланган, бажарилган агротехник тадбирлар агротавсиялар асосида амалга оширилган.

Диссертациянинг **“Турли кўчат қалинлиги, суғориш тартиблари ва маъдан ўғитлар меъёрларига боғлиқ ҳолда тупроқнинг агрохимёвий ва агрфизик хоссаларига таъсири”** деб номланган учинчи бобида тадқиқот ўтказилган йилларда тажриба даласи тупроғининг агрохимёвий хусусиятлари, суғориш тартибларига боғлиқ ҳолда тупроқларнинг ҳажм оғирлиги, ғоваклигининг ўзгаришига таъсири ҳамда чекланган дала нам сиғими бўйича маълумотлар келтирилган.

Тажриба даласи тупроғининг озиқ моддалар билан таъминланганлик даражаси (Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида) гумус 0–30; 30–50 см қатламларида 670–0,564 %; умумий шаклларида азот 0–30; 30–50 см қатламларида 0,051–0,044 %; фосфор 0–30; 30–50 см қатламларида 0,88–0,082 фоизни ташкил этган бўлса, ҳаракатчан шаклларида нитратли азот 0–30; 30–50 см қатламларида 14,05–9,82 мг/кг, ҳаракатчан фосфор 0–30; 30–50 см қатламларида 25,2–22,0 мг/кг ва алмашинувчи калий эса, 0–30; 30–50 см қатламларида 225–200 мг/кг ни ташкил этиб, қабул қилинган классификация бўйича азот билан жуда кам, фосфор билан кам, калий билан эса ўртача таъминланган эканлиги, Сирдарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари

шароитида, гумус 0–30; 30–50 см қатламларида 0,716–0,499%; умумий шаклларида азот 0–30; 30–50 см қатламларида 0,069–0,040 %; фосфор 0–30; 30–50 см қатламларида 0,88–0,064 фоизни ташкил этган бўлса, ҳаракатчан шаклларида нитратли азот 0–30; 30–50 см қатламларида 4,212–3,75 мг/кг, ҳаракатчан фосфор 0–30; 30–50 см қатламларида 14,4–13,6 мг/кг ва алмашинувчи калий эса, 0–30; 30–50 см қатламларида 200–132 мг/кг ни ташкил этиб, тупроқнинг таркибидаги озиқ унсурлари билан таъминланганлик даражаси қабул қилинган классификация бўйича азот билан жуда кам, фосфор билан кам, калий билан эса ўртача таъминланган тупроқлар сирасига киради.




**1-расм. Суғориш тартибларига боғлиқ ҳолда тупроқнинг ҳажм массасини ўзгариши, г/см<sup>3</sup> (Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида).**

Тошкент вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида ПСУЕАИТИ нинг марказий тажриба даласида 2014 йилда олиб борилган илмий тадқиқот натижаларига кўра, мавсум бошида тупроқнинг ҳажм оғирлиги 0-30 см қатламда ўртача 1,29 г/см<sup>3</sup> ни, 30–50 см қатламда 1,35 г/см<sup>3</sup> ни, 50–70 см қатламда 1,33 г/см<sup>3</sup> ни, 70–100 см қатламда 1,32 г/см<sup>3</sup> ни ташкил этган бўлса, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 65–65–60% намликда суғорилганда, тупроқнинг ҳажм оғирлиги 0-30 см қатламда ўртача 1,31 г/см<sup>3</sup> ни, 30–50 см қатламда 1,37 г/см<sup>3</sup> ни, 50–70 см қатламда 1,35 г/см<sup>3</sup> ни, 70–100 см қатламда 1,33 г/см<sup>3</sup> ни ташкил этган. Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70–70–65% намликда суғорилганда, тупроқнинг ҳажм оғирлиги оғирлиги 0–30 см қатламда ўртача 1,32 г/см<sup>3</sup> ни, 30–50 см қатламда 1,38 г/см<sup>3</sup> ни, 50–70 см қатламда 1,37 г/см<sup>3</sup> ни, 70–100 см қатламда 1,36 г/см<sup>3</sup> ни ташкил этган. 2014 йилда олиб борган тажрибаларимизда, мавсум бошида тупроқнинг ҳажм массаси ҳайдов 0–30 см қатламида ўртача 1,17 г/см<sup>3</sup> ни ташкил этган бўлса, ҳайдов ости 30–50 см қатламида ўртача 1,21 г/см<sup>3</sup> га тенг бўлди. 2015 йилда олиб борган тажрибаларимизда, мавсум бошида тупроқнинг ҳажм массаси, ҳайдов 0–30 см қатламида ушбу кўрсаткич ўртача 1,19 г/см<sup>3</sup> ни ташкил этган бўлса, ҳайдов ости 30-50 см қатламида ўртача 1,22 г/см<sup>3</sup> га тенг бўлди. 2016 йилда олиб борган тажрибаларимизда, мавсум бошида тупроқнинг ҳажм

массаси, ҳайдов қатламида (0-30 см) ушбу кўрсаткич ўртача 1,18 г/см<sup>3</sup> ни ташкил этган бўлса, ҳайдов ости 30–50 см қатламида ўртача 1,21 г/см<sup>3</sup> га тенг бўлган.

Ғўза қатор ораларига ишлов берилиши, суғориш сувлари таъсирида кузга бориб, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 65-65-60% намликда суғорилганда барча қатламларда тупроқнинг ҳажм массаси мавсум бошидан, мавсум охиригача 0,02–0,03 г/см<sup>3</sup> гача ортиши кузатишган. Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70–70–65% намликда суғорилганда эса, барча қатламларда тупроқ ҳажм массаси мавсум бошига нисбатан мавсум охирида 0,03–0,04 г/см<sup>3</sup> гача ортганлигини кўришимиз мумкин.



**2-расм. Суғориш тартибларига боғлиқ ҳолда тупроқнинг ғоваклигининг ўзгариши, % (Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида).**

ПСУЕАИТИ нинг Сирдарё ИТС тажриба даласи тупроғнинг ҳажм оғирлигини йиллар давомида ўзгаришини мавсум бошида ҳамда мавсум охирида аниқлаб борилди. 2014 йилда, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 65–65–60% тартибида суғорилганда, тупроқнинг ғоваклиги ўртача 0–30 см қатламда, мавсум бошига нисбатан мавсум охирида, 1,1 фоизга, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70–70–65% тартибида суғорилганда эса 0–30 см қатламда тупроқнинг ғоваклиги, мавсум бошига нисбатан, мавсум охирида 1,6 фоизга камайган.

2015 йилда, мавсум бошига нисбатан тупроқнинг 0–30 см қатламида, мавсум охирига келиб, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 65–65–60% тартибида суғорилганда 0,7 фоизга, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70–70–65% тартибида суғорилганда эса, мавсум бошига нисбатан мавсум охирида тупроқ ғоваклиги 1,5 фоизга камайиши кузатишган.

2016 йилда, мавсум бошига нисбатан тупроқнинг ғоваклиги суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 65-65-60% намликда суғорилганда 0-30 см қатламда, мавсум охирига келиб, 1,1 фоизни, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-65% намликда суғорилганда эса, мавсум бошига нисбатан мавсум охирида 1,5 фоизга тупроқ ҳажм оғирлигининг камайиши

кузатилган. Ушбу маълумотлар 1-жадвалда келтирилган.

**1-жадвал**

**Суғориш тартибларига боғлиқ ҳолда тупроқнинг ҳажм массаси ва ғоваклигининг ўзгариши (Сирдарё вилояти шароитида.)**

Тупроқ қатламлари, см	2014 йил			2015 йил			2016 йил		
	Мавсум бошида г/см <sup>3</sup>	Мавсум охирида		Мавсум бошида г/см <sup>3</sup>	Мавсум охирида		Мавсум бошида г/см <sup>3</sup>	Мавсум охирида	
		65-65-60%	70-70-65%		65-65-60%	70-70-65%		65-65-60%	70-70-65%
<b>Тупроқнинг ҳажм оғирлиги, г/см<sup>3</sup></b>									
0-30	1,17	1,20	1,22	1,19	1,21	1,23	1,18	1,21	1,22
30-50	1,26	1,29	1,32	1,27	1,29	1,33	1,28	1,29	1,30
50-70	1,29	1,31	1,32	1,29	1,32	1,32	1,29	1,30	1,31
70-100	12,8	1,28	1,29	1,28	1,29	1,30	1,28	1,28	1,29
<b>Тупроқнинг ғоваклиги, %</b>									
0-30	56,7	55,6	54,8	55,9	55,2	54,4	56,3	55,2	54,8
30-50	53,3	52,2	51,1	53,0	52,2	50,7	52,6	52,2	51,8
50-70	52,2	51,5	51,1	52,2	51,1	51,1	52,2	51,8	51,5
70-100	52,6	52,6	52,2	53,0	52,2	51,8	52,6	52,6	52,2

Демак, тупроқнинг ҳажм массаси ортиб боргани сайин, ғоваклигининг камайиб бориши кузатилган.

Диссертациянинг “Ўзани суғориш тартиблари ва сув истеъмоли” деб номланган тўртинчи бобида, суғориш муддатлари, сони, тизими, давомийлиги, мавсумий ва ҳар бир сув меъёрлари бўйича маълумотлар келтирилган.

Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида 2014–2016 йиллардаги тадқиқотларимизда суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65–65–60% намликда, 1–3–1 тизимда, 5 марта суғорилиб, мавсум давомида 4939 м<sup>3</sup>/га сув сарфланган. Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70–70–65% намликда суғорилганда, 1–4–1 тизимда, 6 марта суғорилиб, мавсумий суғориш меъёри 5467 м<sup>3</sup>/га ни ташкил этганда, ўсимликнинг ўсиши, ҳосил элементларининг кўпроқ тўпланиши ва натижада пахта ҳосилдорлигининг ортиши аниқланган. Сирдарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65–65–60% намликда, 0–1–0 тизимда, 1 марта суғорилиб, мавсумий суғориш меъёри 1074 м<sup>3</sup>/га ни ташкил этган, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70–70–65% намликда, 0–2–0 тизимда, 2 марта суғорилиб, мавсумий суғориш меъёри 1869 м<sup>3</sup>/га ни ташкил этган.

Порлоқ–1 ғўза навини суғоришда олдиндан белгиланган дастурга мувофиқ суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан тупроқнинг намлиги вариантлар бўйича, режалаштирилган тартиб кўрсаткичларидан ±0,5-1,9% атрофида фарқланган. Бу услубият бўйича ораликдаги фарқ 2,0 фоизгача бўлиш керак дейилган, бизнинг тажрибаларда эса 1,9 фоизгача фарқи кузатилган.

Бир центнер пахта ҳосилини етиштириш учун сарфланган сув сарфи. ПСУЕАИТИ нинг марказий тажриба даласида, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70–70–60% намликда суғорилганда, кўчат қалинлиги 90–100

минг туп/га бўлганда, бир центнер пахта ҳосилини етиштириш учун, гектарига 1-вариантда (назорат) С 6524 ғўза навида 130,2 м<sup>3</sup>/ц, сув сарфланган, 2-вариантда (ўғитсиз) 239,7 м<sup>3</sup>/ц, суғоришни ЧДНС га нисбатан 65-65-60 % намликда ўтказилганда, маъдан ўғитлар меъёри N<sub>220</sub>, P<sub>154</sub>, K<sub>110</sub> кг/га қўлланилганда, кўчат қалинлигини 80-90 минг туп/га қолдирилган, 6-вариантда эса назоратга нисбатан 13,2 м<sup>3</sup>/ц, кўчат қалинлигини 100-110 минг туп/га бўлган, 7-вариантда 4,5 м<sup>3</sup>/ц, кўчат қалинлигини 120-130 минг туп/га оширилган, 8-вариантда 2,6 м<sup>3</sup>/ц юқори сув сарфланиши кузатилган. Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-70-65 % намликка ўзгариши билан, шу ўғит меъёрларида, кўчат қалинлигини 80-90 минг туп/га қолдириб парваришланган 15-вариантда 1 ц пахта ҳосилини етиштириш учун назоратга нисбатан 19,5 м<sup>3</sup>/ц, кўчат қалинлигини 100-110 минг туп/га қолдириб, парваришланган 16-вариантда 16,8 м<sup>3</sup>/ц кам сарфланган бўлса, кўчат қалинлигини 120-130 минг туп/га қолдириб парваришланган 17-вариантда назоратга нисбатан гектаридан 11,6 м<sup>3</sup>/ц сув иқтисод қилинган.

Кўчат қалинлиги, маъдан ўғитлар меъёри бир хил аммо суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 65-65-60 % намликда суғорилганда, ЧДНС га нисбатан 70-70-65 % намликда суғорилганга нисбатан мавсумий суғориш меъёри 528 м<sup>3</sup>/га кўп сув сарфланган бўлса, лекин суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-65 % намликда суғорилганда 1 ц пахта ҳосилини етиштириш учун сарфланган сув меъёрининг камайиб бориши кузатилган. Масалан кўчат қалинлиги, маъдан ўғитлар меъёри бир хил аммо суғориш тартибларининг ЧДНС га нисбатан 70-70-65 % намликка оширилиши билан 6-вариантга нисбатан 15-вариантда 6,3 м<sup>3</sup>/ц, 7-вариантга нисбатан, 16-вариантда 12,3 м<sup>3</sup>/ц, 8-вариантга нисбатан 17-вариантда 9 м<sup>3</sup>/ц кам сув сарфланган.

Сирдарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида 2014-2016 йилдаги изланишларимизда Порлоқ-1 ғўза навини, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС нисбатан 65-65-60% тартибида суғорилганда, мавсумий сув меъёри ўртача 1069 м<sup>3</sup>/га ни ташкил этиб, бир центнер пахта ҳосилини етиштириш учун 2-вариантда (ўғитсиз) 48,9 м<sup>3</sup>/ц, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 65-65-60 % тартибида суғорилганда, маъдан ўғитлар меъёри N<sub>260</sub>, P<sub>182</sub>, K<sub>130</sub> кг/га қўлланилганда, кўчат қалинлиги 80-90 минг туп/га қолдириб парваришланганда, 1 ц пахта ҳосилини етиштириш учун 28,8 м<sup>3</sup>/ц, сув сарфланган, кўчат қалинлиги 100-110 минг туп/га қолдириб парваришланганда 28,6 м<sup>3</sup>/ц, кўчат қалинлиги 120-130 минг туп/га қолдириб парваришланганда 29,4 м<sup>3</sup>/ц сув сарфланган.

Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС нисбатан 70-70-65% намликка ўзгариши билан эса, мавсумий сув меъёри ўртача 1849 м<sup>3</sup>/га ни ташкил этиб, бир центнер пахта ҳосилини етиштириш учун сарфланган сув меъёри, кўчат қалинлиги 80-90 минг туп/га қолдириб парваришланганда, маъдан ўғитлар меъёри N<sub>260</sub>P<sub>182</sub>K<sub>130</sub> кг/га қўлланилган 18-вариантда 40,5 м<sup>3</sup>/ц, кўчат қалинлиги 100-110 минг туп/га қолдириб парваришланган 19-вариантда 40,0 м<sup>3</sup>/ц, кўчат қалинлигини 120-130 минг туп/га қолдириб парваришланган 20-вариантда 42,6 м<sup>3</sup>/ц, сув сарфланган.

Порлоқ-1 ғўза навини парваришладда ЧДНС га нисбатан 65–65–60% намликда суғорилганда, мавсумий суғориш меъёри 1069 м<sup>3</sup>/га ни ташкил этган бўлса, ЧДНС га нисбатан 70–70–65% намликда суғорилганда, мавсумий суғориш меъёри 1849 м<sup>3</sup>/га ни ташкил этиб, ЧДНС га нисбатан 65–65–60% намликда суғорилганга нисбатан, ЧДНС га нисбатан 70–70–65% намликда суғорилганда 780 м<sup>3</sup>/га кўпроқ сув сарфланган бўлсада, юқори пахта ҳосили етиштирилган, бунда 19–вариантда 11,4 м<sup>3</sup>/ц кўпроқ сув сарфланган ва энг юқори пахта ҳосили етиштирилган, бунда суғоришни ЧДНС га нисбатан 70–70–65% намликда, кўчат қалинлигини 100–110 минг туп/га, маъдан ўғитлар меъёрини N<sub>260</sub>, P<sub>182</sub>, K<sub>130</sub> кг/га меъёрларида қўлланилганда умумий пахта ҳосили 46,2 ц/га ни ташкил этган.


